


«Исломда бола ҳуқуқлари» мавзусида семинар бошланди



17:09 / 10.05.2023 1064

Бугун, 10 май куни Бухоро шаҳрида «Исломда бола ҳуқуқлари» мавзусида икки кунлик семинар бошланди. Семинарда Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмитадан вакиллар, шунингдек БМТ Болалар жамғармаси – ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Мунир Мамадзода жаноблари ҳамда Бола ҳуқуқлари ва Ислом таълимоти йўналишида ЮНИСЕФ эксперти, ЮНИСЕФнинг Грузиядаги ваколатхонаси раҳбари Ҳассан Ҳалил иштирок этмоқдалар.



